Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 30 ноябрь, сешанба • № 142 (25.537).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

КАРИМОВ Ислом Абдуғаниевич

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати – ўзбек. Олий маълумотли, Ўрта Осиё Политехника ва Тошкент Халқ хўжалиги институтларини тугатган. Муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга. Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлаган.

1961 йилдан 1966 йилгача В.П.Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда И.Каримов Ўзбекистон ССР молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида И. Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни И.Каримов тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунларига кўра, И. Каримовнинг президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди

У оилали, икки нафар фарзанди, учта набираси бор. Рафиқаси Т.А.Каримова – иқтисодчи, илмий ходим.

И. Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Мустақиллик» ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг орден-медаллари билан ҳам мукофотланган.

И.Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айни вақтда у иқтисод, фан, таълимни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун тўққиз хорижий мамлакат университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиклигига сайланган.

Халқимиз истиқлол йилларида эришилган салмоқли ютуқларни ҳақли равишда И. Каримов номи ва фаолияти билан боғлайди.

И. Каримов мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамосидир:

– Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакатимизнинг истиқлол дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбобидир;

– демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг кафолатидир;

– марказий ҳокимият ва унинг жойлардаги бўғинларини ислоҳ қилиш, давлат, жамият ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга қаратилган янги сиёсий-ижтимоий тизим тамойилларини ишлаб чиқди ва амалга оширди;

– халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда илғор жаҳон тажрибаларини мужассамлаштирган иқтисодий ислоҳотларнинг янги моделини ишлаб чиқди. Бу ривожланиш йўли иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги, ўтиш даврида давлатнинг бошқарувчилик роли, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя каби машҳур беш тамойилни ўз ичига олади ва у дунёда «Ўзбек модели» деб эътироф этилган;

– Ўзбекистон давлатининг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучлар, Чегара ва Ички қўшинларни замонавий ислоҳотлар асосида ташкил этиш ишига бошчилик қилди;

– КПСС Марказий Комитети бошчилигидаги кучлар Ўзбекистонда адолатсизлик ва тазйиқларни авж олдирган йилларда ўзбек номини ноҳақ таҳқир ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш, халқимизнинг ор-номусини, миллий ғурурини тиклашда фидойилик намунасини кўрсатди;

– халқимиз маънавий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимизни, урф-одатларимизни, бебаҳо тарихий меросимизни ҳаётга қайтаришни давлат сиёсати даражасига кўтарди;

– халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, ўзбек номини бутун дунёга тараннум этишда буюк хизмат қилди;

– одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онгида янги миллий ғоя, миллий мафкура асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш ишига раҳнамолик қилди;

– юртимизда тинчлик-осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, уни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшди;

– моҳият-эътиборига кўра, мутлақо янги таълим-тарбия тизими – Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини яратиш ва уни амалга оширишда бевосита етакчи бўлиб келмоқда;

– маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириш, ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими сифатида уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташаббускори бўлди;

– юртимизнинг турар жойларида янги қурилишлар, шу жумладан, улуғ аждодларимизнинг қадамжоларини обод қилиш, иқтисодимизнинг салоҳиятини оширишда катта ўрин тутган йирик-йирик корхоналарни бунёд этишда, кўпгина шаҳар ва қишлоқларимиз, авваламбор, пойтахтимиз Тошкентнинг шакл-қиёфасининг тубдан ўзгаришида бевосита раҳбарлик қилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Ислом Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, янги асрда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқболи йўлида кўпмиллатли халқимизни бирлаштириб, уни улуғ мақсадлар сари бошлаб бормоқда.

ЖАЛОЛОВ Абдулҳафиз Мараҳимович

Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов 1947 йилнинг 1 июнида Наманган шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилган. Ўзбек. 1964 йилда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Бирлашган қишлоғидаги 14-сон ўрта мактабни, 1969 йилда эса Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ихтисоси бўйича — файласуф. 1976 йили "Гегель ва Шарқ халқлари фалсафий фикри" мавзуида номзодлик, 1992 йили "Шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва жамиятни инсонийлаштириш муаммолари" мавзуида докторлик диссертацияларини ёқлаган. Фалсафа фанлари доктори.

1971 йилдан эътиборан (Чегара қўшинлари сафида, Термиз шаҳар заставаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ҳарбий хизматни ўтагандан сўнг), узлуксиз равишда, илмий-педагогик фаолият билан шуғулланади. ТошДУ фалсафа кафедраси ўқитувчиси (1971—1972), ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходими (1972—1977), Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти фалсафа кафедраси мудири (1977—1981), ТошДУ қошидаги Олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти фалсафа кафедраси доценти, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1981—1992), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институти бўлим мудири вазифаларида ишлаган. 1993 йилдан ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори.

Фалсафа тарихи, ижтимоий фалсафа ва сиёсатшунослик йўналишларида илмий тадқиқот ишлари олиб боради. Мазкур соҳаларга оид 250 дан зиёд чоп этилган ишлар муаллифи. Улар орасида: "Инсон омили: фалсафа, мафкура, сиёсат" (Т.:1991, рус тилида); "Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура" (Т.:1994); "Мустақиллик масъулияти" (Т.:1996); "Истиқбол уфқлари" (Т.:1998) номли монографиялар бор. Шунингдек, "Ўрта Осиё халқлари фалсафий мероси ва ғоялар ураши" (Т.:1988, рус тилида) мавзуидаги жамоавий монография ҳамда "Фалсафа" (Т.:1999) ўқув қўлланмаси ҳаммуаллифи. Илмий ишлари АҚШ, Буюк Британия, Беларусь, Россия, Ҳиндистон, Қирғизистон, Эстония мамлакатларида чоп этилган. Х Халқаро Гегель конгресси (Москва, 1974), XX Бутунжаҳон фалсафа конгресси (АҚШ, Бостон, 1998) ва, шунингдек, Тошкент, Деҳли, Москва, Минск, Киев, Таллин, Техрон, Волгоград, Екатеринбург каби шаҳарларда ўтказилган илмий анжуманлар иштирокчиси. Инсон, жамият, халқ, меҳнат, мулк, бозор иқтисодиёти, манфаат, маънавият, фалсафа, эркинлик, ахлоқ, маданият, мустақиллик, сиёсат, мафкура каби кўплаб, ҳамиша мунозараталаб, "абадий" тушунча, муаммоларга янгича талқин беришга ҳаракат қилган. Унинг бевосита раҳбарлигида қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари муваффақиятли ёқланган.

1993—1996 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети қошидаги фалсафа фанлари бўйича докторлик ҳимоясига ихтисослаштирилган кенгаш аъзоси бўлган. 1996 йилдан Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг сиёсатшунослик ҳамда ҳуқуқшунослик фанлари бўйича докторлик илмий даражаси учун диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган кенгаш аъзоси, худди шу йилдан ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг фалсафа фанлари бўйича докторлик илмий даражаси учун диссертациялар ҳимоясига ихтисослашган кенгаш раиси.

1986 йилдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратига ишга ўтган. Лектор, лекторлар гуруҳи раҳбари, мафкура бўлими мудири муовини лавозимларида ишлаган. 1991 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бўлим мудири, Марказий Кенгаш иккинчи (1993), сўнг биринчи котиби (1994). 1999 йилнинг октябрь ойида ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби этиб қайта сайланган.

1994 йилнинг декабрида биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон ХДПнинг мамлакат парламентидаги фракцияси раиси (1995).

Оилали, 4 нафар фарзанди ва 5 набираси бор.

Кейинги йилларда:

— ЎзР ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти мамлакат маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган, фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммоларини тадқиқ этувчи, юксак малакали илмий кадрлар тайёрловчи ҳамда илмфан ютуқларини тарғиб қилувчи, нуфузли даргоҳга айланди;

— Ўзбекистон мустақиллигининг маънавий негизларини мустаҳкамлашда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг самарали иштирокини таъминлашга қаратилган таъсирчан илмий-ташкилий чоралар амалга оширилмоқда;

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафлари ўсди, унинг ўзи ғоявий-сиёсий жиҳатдан улғайди, ташкилий томондан мустаҳкамланди, мамлакатнинг етакчи сиёсий кучларидан бирига айланди;

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат парламенти — Олий Мажлисда энг йирик фракцияга, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларининг аксарияти таркибида ўз партия депутатлари гуруҳига эга бўлиб, улар халқимиз ҳаётига оид муҳим қонунлар, қарорларни қабул қилиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлашга қаратилган дастурларни рўёбга чиқариш саъй-ҳаракатларини амалга оширмоқдалар;

— қатор мамлакатларнинг, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой ва бошқаларнинг, сиёсий тажрибаси, уларга қилинган ташриф орқали, ўрганилди;

— Ўзбекистон ХДПнинг халқаро обрўсини оширишга, хорижий мамлакатларга партия вакилларининг ташриф буюриши, шунингдек, чет эл делегацияларини, Ўзбекистондаги элчихоналар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, масъул ходимларини Марказий Кенгаш, партия қуйи тузилмаларида қабул қилиш жараёнида, эришилди;

— буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатда рўёбга чиқарилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирок этишининг, уни юртимизда тинчлик, барқарорлик ҳамда тотувликни сақлашнинг муҳим сиёсий омили бўлишининг мустаҳкам замини бўлиб хизмат қилди ва қилмоқда;

— шулар боис, Ўзбекистон ХДП халқимиз барча қатламлари, хусусан, оддий меҳнаткаш, фуқаро манфаатларининг чинакам ифодачиси ва уларни қондириш учун жиддий курашга тайёр сиёсий куч эканлигини барча ватандошларимиз тобора яққол англамоқда.

ХДП хабари

Сайловолди штаби йиғилиши

Куни кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошидаги Сайловолди штабининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги ялпи сайловларга партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Мажлисда сайловолди мавсумининг ҳозирги масъулиятли босқичида аксарият жойларда ХДПдан кўрсатилган номзодлар учун тарғибот-ташвиқот ишларининг барча қонуний турлари — сайловчилар билан ташкиллаштирилган учрашувлар, плакатлар, теледебатлар ва телерадиокўрсатув ҳамда эшиттиришлар, матбуотда чиқишлардан кенг фойдаланаётганлиги қайд қилинди. Шу билан бир қаторда, баъзи бир сайлов округлари (масалан, Сурхондарё)да айрим номзодларимиз учун ташкилий-тарғибий ишларнинг етарли эмаслигига вилоят партия кенгашлари котибларининг эътибори қаратилди.

Штаб йиғилишида сайловолди мавсумининг якунловчи палласида ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланиб, сайловларнинг натижасига қараб уларнинг самарадорлигига ва, умуман, партия ташкилотлари ҳамда уларнинг раҳбарлари фаолиятига, баҳо берилиши эслатиб ўтилди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Самолётларда жанговар ракеталар

Қиролича Елизаветта Иккинчига қарашли етти самолётнинг барчаси «Сайндвиндер» жанговар ракеталари билан қуролланадиган бўлди. Ҳам ҳаво ва ҳам ердаги мўлжални ура оладиган ушбу ракеталар НАТОнинг Югославияга қарши операциясида қўлланган эди.

Айтиш жоизки, илгари қироличанинг самолётлари ракета билан қуролланмас эди. Айни пайтга келиб, хавфсизлик нуқтаи назаридан, фақат қироличагина эмас, унинг оила аъзолари, шунингдек, Бош вазир Тони Блэр ва парламент фракцияларининг етакчиларига хизмат кўрсатадиган самолётлар ҳам жанговар ракеталар билан қуролланадиган бўлди.

Тележурналистга суиқасд

Колумбиянинг Стандер вилоятида маҳаллий сайлов ҳақида репортаж тайёрлаши керак бўлган икки тележурналист ваҳшийларча ўлдирилди.

Полициянинг хабар қилишича, репортёр Альберто Санчес ҳамда оператор Луис Ринкон Плайон муниципалитетига кетаётган пайтда жиноятчилар қўлига тушиб қолган ва отиб ўлдирилган. Экспертиза натижасида жиноятчилар журналистларни ўлдиришдан олдин уларни ваҳшийларча қийноққа солгани аниқланди.

(ЎзА)

Янгиободдаги воқеалар хусусида

Илгари хабар қилинганидек, 1999 йилнинг 15 ноябрида 14 кишидан иборат бандитлар гуруҳи Тошкент вилоятининг Янгиобод аҳоли пункти яқинида террорчилик ҳаракати содир этган эди. Натижада Ўзбекистон Республикасининг саккиз фуқароси ҳалок бўлди.

Террорчилар томонидан содир этилган бу жиноятнинг жиддийлигини эътиборга олган ҳолда, аҳолининг тинч турмушини, мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон ҳудудига ташқаридан бостириб кирган жангариларни йўқ қилиш бўйича барча зарур чоралар кўрилди.

Операция ўтказилаётган ҳудудда бир кеч-кундуз мобайнида 1,5 минг кишилик зарба берувчи гуруҳ ташкил этилди. Гуруҳ таркибига Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳарбий қисмлари ва махсус бўлинмалари, ҳарбий ҳаво кучлари бўлинмалари киритилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳарбий бўлинмаларга Тошкент вилояти Оҳангарон тумани аҳолиси, фуқаролар катта ёрдам кўрсатди.

Терроризмга қарши курашга йўналтирилган операцияни режалаштириш ва бошқариш, жалб этилган барча куч ва маблағларни мувофиқлаштириш вазифаси Тезкор штаб зиммасига юкланди.

Ҳарбий бўлинмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги, юксак ҳарбий тайёргарлиги ва оғир об-ҳаво шароитидаги хатти-ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилгани туфайли, 16 ноябрдан 23 ноябргача бўлган муддат ичида қўпорувчи-террорчи гуруҳ қидириб топилди ва йўқ қилиб ташланди.

Қўмондонлик томонидан жангариларни имкони борича камталофат кўриб, йўқ қилиш вазифаси қўйилганлигига қарамасдан, афсуски, операция давомида Ички ишлар вазирлиги ҳарбий хизматчиларидан 3 киши ўзининг ҳарбий ва фуқаролик бурчини бажариш жараёнида мардонавор ҳалок бўлди.

Текширув ҳужжатлари шундан далолат берадики, замонавий қуроллар ва гранатомётларга эга бўлган бандитлар гуруҳи таркибида Чеченистонда қўпорувчилик тайёргарлигидан ўтган, шу йилнинг август-октябрь ойларида Қирғизистоннинг жанубидаги воқеаларда иштирок этган шахслар ҳам бўлган.

Тергов маълумотларига кўра, жангарилар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида келажакда қўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларини уюштириш ҳамда амалга ошириш мақсадида базалар, қароргоҳлар ташкил этишни кўзда тутган ҳолда иш бошлаган. Хусусан, яксон қилинган жангариларнинг ёнидан стратегик, ҳарбий ва коммуникация объектлари жойлашган ҳудудлар, белгиланган ҳариталар, жадваллар, махсус уст-бош, жиҳозлар, қўпорувчилик мақсадларига мўлжалланган портловчи моддалар ва воситалар чиққан. Жангариларнинг ижтимоий ва маданий муассасалар, аҳоли гавжум жойларда кўрқув, таҳлика ва тартибсизлик туғдириш учун қўпорувчилик-террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш режалаштиргани терроризмнинг манфур қиёфасини яна бир бор фош этди.

Янгиободдаги воқеалар барчамизни яна бир бор ҳушёрликка, тинчлик, мамлакатимиз хавфсизлиги, умумий мақсадимиз йўлида жипслашишга даъват этади.

Террорчилик ҳавфи бор экан, лоқайдлик ва бепарволикка берилиб бўлмайди. Чунки бу — ҳар биримиз, яқинларимиз, қариндошуруғимиз, умуман, мамлакатимиз учун фожиали бўлиши мумкин. Амалий хатти-ҳаракатларга асосланган ҳушёрлик террорчиликка қарши кураш, жиноятни олдиндан аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги кучли ва самарали воситадир.

Умуман олганда, Янгиободдаги воқеалар бугунги кунда Қуролли Кучларни изчиллик билан, босқичма-босқич ислоҳ қилиш, мамлакатимизни ва унинг фуқаролари тинчлигини ҳимоя қилишга қодир, тезкор, етарли даражада таъминланган ва жиҳозланган армияни, чегара ва ички қўшинларни ташкил этишга қаратилган ишларнинг ўз вақтида бошлангани ҳамда амалга оширилаётгани нақадар самара бераётганини кўрсатиб турибди.

(ЎзА)

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Ўзбекистон овози Ґазета 220 Нашр индекси

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

Ўзбекистон овози 220 Нашр индекси

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

«Газетангиз нон бўлармиди?»

Луқма

Бу гапни оддий ишчи ёки хизматчи айтганида, эҳтимол, у қадар ҳайратланмаган бўлардик. Аммо унинг туманимиздаги каттагина меҳнат жамоаси раҳбари оғзидан чиққанлиги мустақиллик ишқи билан нафас олаётган ҳар қандай одамни бефарқ қолдириши мумкин эмас!

Тўғри, ҳеч қайси замонда ҳеч ким газетани нон сифатида истеъмол қилмаган. Буни гўдак ҳам билади. Аммо инсон руҳиятига маънавият уруғини сочувчи воситалардан бири бўлмиш газетанинг ҳаётдаги ўрни нон қадар азиз эканлигини ким инкор эта олади?

Минг таассуфки, бугун гоҳи-гоҳида орамизда ана шунга ўхшаш матбуот аҳамиятини тўла ва тагигача англаб етолмаётган шахслар, айрим бошлиқлар учраб қолаяпти.

Гап Беруний туман «Халқ минбари» газетасига 2000 йил учун обуна масаласи устида кетаётганди. Қанчалик ҳаракат қилмай, бу раҳбар мени тушунишни истамади. У ҳадеб, газетанинг нон бўлмаслиги, ҳозир ҳеч ким газета ўқимаслигини такрорлар, фалон сўмлик обунадан бир килограмм ун ёки гўшт, қанд-қурс афзаллигини писанда қиларди.

Ажаб?! Бошлиқларки шундай фикрласа, унинг қўл остидаги ходимларидан нимани кутиш мумкин? Наҳотки, шунча йиллик раҳбарлик иш тажрибасига эга бўлган шахс газетанинг замонамиз кўзгуси, ҳақиқат жарчиси, янгилик элчиси эканлигини тушуниб етмаса?! Халқни илғор ғояларга, маънавиятга, ишонч-истиқболга чорлаш ўрнига «Ҳозир ҳеч ким газета ўқимайди» қабилида иш тутиш инсофданми?

Ҳозирча халқнинг моддий аҳволи бирмунча оғир эканлигини биламиз. Раҳбарнинг вазифаси мана шундай ўткинчи паллада, келажаги буюк давлат остонасида кечаётган ўлчовли лаҳзаларда халққа далда бериш, уни ёрқин келажак сари илҳомлантириш, руҳиятини бойитишдан иборат. Газета — маънавият қуроли. Президентимиз таъкидлаганидек, маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.

Газетанинг бугунги кундаги аҳамиятини англаб етмаслик ҳозирги кун раҳбари учун уят эмасми?!

Тожимурод ЭШМУРОДОВ, Беруний туман «Халқ минбари» газетаси ходимлари номидан.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 30 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади**

1 Австралия доллари	88,48	10 Люксембург франки	34,86
1 Австрия шиллинги	10,22	1 Малайзия рингтити	36,54
1 Англия фунт стерлинги	223,03	1 Германия маркаси	71,89
10 Бельгия франки	34,86	1 Польша злотийси	32,76
1 Голландия гульдени	63,80	1 СДР	190,48
10 Греция драхмаси	4,28	1000 Туркия лираси	0,27
1 Дания кронаси	18,91	1 Финляндия маркаси	23,65
1 БАА дирхами	37,80	1 Франция франки	21,44
1 АҚШ доллари	138,83	1 Швейцария франки	87,86
1 Миср фунти	40,61	1 ЕВРО	140,61
10 Испания песети	8,45	10 Жанубий Корея вони	1,20
100 Италия лираси	7,26	10 Япония иенаси	13,36
1 Канада доллари	94,72	1 Россия рубли	5,25
1 Хитой юани	16,77	1 Украина гривнаси	29,61

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар аёлларнинг жамиятдаги мавқеини амалда ошириш, меҳнат ва яшаш шароитларини енгиллаштириш, уларга, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш билан бирга, оиладаги оналик ва уй бекалик, болалар тарбиясидаги муқаддас бурчларини бажариш имконини берувчи , зарур шароитларни яратишни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берадилар.

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан)

ЗАЙНИЕВ Нуритдин

227-Муборак сайлов округи

Нуритдин Зайниев 1952 йил Шаҳрисабз туманида туғилган. Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш бўйича олий маълумотга эга. Даставвал, Қашқадарё вилоят электр тармоқлари корхонасида навбатчи электромонтёр вазифасида иш фаолиятини бошлади. Сўнг катта муҳандис, бўлим бошлиғи, техника хизмати бошлиғининг ўринбосари сингари вазифаларда меҳнат қилди. Шу билан бирга ўқиб-ўрганишга ўзида алоҳида иштиёқ сезди ва Москва шаҳридаги Ижтимоий фанлар академияси аспирантурасида таҳсил олиб, иқтисод фанлари бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади.

1992 йилдан то 1998 йилгача Муборак газни қайта ишлаш заводида директорлик лавозимида ишлади. Корхонада ижобий силжишлар бўлди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсди. Керак бўлганда кишилар заводга жалб этилди. Натижа-чи? Натижа ёмон эмас. Корхонадаги рентабелликнинг маҳсули ўлароқ, ободончиликка эътибор қаратилди. Хусусан, корхонанинг имкониятлари боис Муборак тумани шаҳарга айланди. Муборакда барпо этилган қурилиш иншоотларининг баъзилари ҳатто вилоят пойтахтида ҳам йўқ, десак муболаға эмас.

1998 йилдан то ҳозирга қадар Нуритдин Зайниев йирик корхона — Муборак нефть ва газ конлари бошқармаси бошлиғи сифатида фаолият кўрсатаяпти.

Н. Зайниев 1998 йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган. Талабчан, тўғри сўз раҳбар.

ИСМАИЛОВ Нимат Файзуллаевич

233- Шаҳрисабз сайлов округи

Исмаилов Нимат Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини, Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1966 йилда Шаҳрисабз газлаштириш идорасида таъмирловчиликдан бошлади. Кейин йўл қурилиш ва таъмирлаш бошқармасида механик бўлди. Фаолиятининг катта қисми Шаҳрисабзда транспорт хизматини уюштириш билан боғлиқ. У 1972 йилдан то 1991 йилгача Шаҳрисабз таксимотор паркида бош бекат навбатчиси, ҳайдовчилар бригадаси бошлиғи, директор ўринбосари, бош муҳандис лавозимларида ишлади, етти йил ташкилотни бошқарди.

Уни қаттиққўл ва талабчан, дейдилар. Аммо катта режалар бусиз амалга ошмайди. 1996 йилда уни «Шаҳрисабзконсерва» акционерлик жамияти раислигига тайинлашганда, ўнлаб муаммолар ҳал бўлмаётган эди. Айнан ундаги катта ташкилотчилик, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик ишни ўнглади. Ҳисоб-китоб жойига қўйилди. Шартномаларга қатъий амал қилинадиган бўлди. Сабзавот, мева етиштирадиган хўжаликлар билан алоқа мустаҳкамланди. Уларга уруғлик, ўғит олиб беришди, транспорт билан таъминлашди. Унинг ташаббуси билан «Мевалар камалаги» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси ишга туширилди. Бугунги кунда вилоятда маҳсулотларини кўпроқ ташқи бозорга чиқараётган ҳам шу корхона.

САФАЕВА Машкура

228-Нишон сайлов округи

Машкура Сафаева 1974 йилда Тошкент давлат университети юридик факультети кечки бўлимини муваффақиятли тамомлади. Тошкент шаҳар судида дастлаб котиба, кейинчалик девонхона мудираси, катта консультант бўлди. 1975 йилнинг март ойидан Тошкент шаҳар судида судья, фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси, шаҳар суди Раёсати аъзоси лавозимларида ишлади. 1985 йилнинг февраль ойидан Ўзбекистон Олий суди судьяси, 1996 йилнинг июлидан ҳозирга қадар Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси вазифасида ишлаб келмоқда. Шу билан бирга у Олий Суд Раёсати ва Илмий маслаҳат Кенгаши аъзосидир.

Машкура Сафаева Тошкент шаҳар суди, Адлия вазирлиги, Олий суд ва Республика касаба уюшмалари Федерациясининг фахрий ёрлиқлари, 1992 йилда Мустақиллик нишони билан тақдирланди. 1994 йилда «Фахрий ёрлиқ» билан мукофотланган.

Адолатли, инсонпарвар жамият барпо этишимиз қонунларимизнинг мукаммаллиги, ўз навбатида уларнинг ижросига боғлиқ. Чунки уларда инсон тақдири, амалга ошаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари мужассамлашган. Фахр билан айтиш мумкинки, Машкура Сафаева бу заҳматли ва ўта масъулиятли ишларда фаол иштирок этмоқда.

У Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, Уй-жой кодекси ҳамда Оила кодекси лойиҳаларини тайёрлашда қатнашган. Машкура Сафаева фуқаролик ишлари юзасидан Олий суд пленумида қабул қилинадиган қарорлар лойиҳасини тайёрлаб келмоқда.

ЭРДАНАЕВ Аликул Ҳалимович

231 - Кўкдала сайлов округи

Аликул Эрданаев 1957 йили Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги «Дукчи» қишлоғида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1974 йили Шаҳрисабз туманида оддий ишчиликдан бошлаган. 1979 йили Тошкент халқ хўжалиги институтининг бухгалтерия ҳисоби факультетини тамомлаб, шу институтда ассистент вазифасида қолди. 1984-87 йиллар Москва давлат университетида ўқиб, номзодлик диссертациясини ёқлади. 1993 йилгача Тошкент халқ хўжалик институти «Ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили» кафедрасига раҳбарлик қилди. 1993-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари, ҳозирда эса «АМРО банк МБ Ўзбекистон АЖ» қўшма банкининг ижрочи директори вазифасида ишламоқда. Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент давлат юридик институтида банк ҳуқуқи мавзуида докторлик ишини олиб бормоқда. АҚШнинг Нью-Йорк университети, Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институтида банк ишини ташкил этиш бўйича малака оширган. 50 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалари ва 5 та китоби мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларда чоп этилган.

У қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, жамоадошлари орасида ҳалол меҳнати , изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан обрў қозонган.

ШАРАПОВА Анварой

234-Мироқи сайлов округи

Ташвишлар эрта тонгдан бошланади. Аввало, аёл рўзғорни унутолмайди. Идорада унинг қабулини кутишади.

— Раис опа моддий ёрдам сўраб келувдим...

— Оилавий аҳволимиз ҳақида маълумотнома керак экан...

— Оиламизда нотинчлик...

Ҳатто аёллар нозик кечинмаларини айтишади, маслаҳат кутишади. Бу «Наматон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Анварой Шарапованинг кундалик юмушларидан бир лавҳа, холос. Турли низолар унинг иштирокида бартараф этилади. Маҳаллаларга йиғинларга чорлашади. Тўй ва маъракаларга йўқлашади. Ҳориб қайтган аёлни яна оила юмушлари кутади...

Анварой Шарапова 1989 йилда Шаҳрисабз билим юртида ўқиб юрган кезларидаёқ ўзидаги ташкилотчилик қобилиятини кўрсатган, устозлари эътиборига тушган эди. Чунки унгача «Гулистон» жамоа хўжалиги «Феруза» болалар боғчасида тарбиячи, мудира бўлиб ишлар, ўз касбини севар, ота-оналардан олқиш оларди. 1991-98 йиллар орасида у хўжалик хотин-қизлар кенгаши раисаси вазифасида ишлар экан, унинг тажрибаси яна ҳам ортди.

Меҳнат инсонга обрў келтиради, элга танитади. 1998 йилнинг апрелида у «Наматон» қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига сайланганда эзгу ишлари билан танилиб қолган эди.

АВЛИЯКУЛОВ Норқул Акмуродович

229-Чўлобод сайлов округи

Норқул Авлиякулов 1959 йил Баҳористон туманида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, хўжаликда оддий ишчи бўлиб ишлай бошлади. Аслида, Норқулда тарихни ўрганиш истаги катта эди. Шу мақсад йўлида 1976 йил Ҳамид Олимжон номли Қарши давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга кирди.

Кейин тумандаги Ж. Хўжамов номли ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. Туғилиб ўсган қишлоғи «Помуқ»нинг тарихи кўпчилик қишлоқдошлари сингари уни ҳам қизиқтирарди. Зотан, Ватан остонадан бошланади, деган ҳикмат бор. Шунинг учун юрт тарихини ўрганишни у ўз қишлоғидан бошлади.

«Юз йил илгари бу ерлар фақат қум барханларидан иборат бўлган бўлса керак-да...» Норқул қишлоғининг ўтмиши ҳақида шу тариқа хаёл сурарди. Истак ва интилиш мақсад сари элтар экан. Қисқаси, қишлоқ тарихига бирмунча ойдинлик киргандай бўлди. Бу қизиқиш борган сари оммалашди. Одамлар ўтмиш билан боғлиқ шажараларини ўргана бошладилар. Норқул Авлиякулов янгиликка ўч. Тумандаги тадбиркорлар мактабида директор ўринбосари этиб тайинлангач, ўқув даргоҳида тез-тез маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган бўлди. Мактабда ҳафтанинг бир куни Ўзбекистон тарихига бағишланди. Унинг ташаббуси билан ўқув даргоҳининг ўзида цехлар очилди. Ўқувчилар маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлишди.

Норқул Авлиякулов яқиндан Ўзбекистон ХДП Баҳористон туман Кенгашига раҳбарлик қилиб келаётир.



ОРИПОВ Абдулла

232- Бешчашма сайлов округи

Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг соҳиби, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов XX аср ўзбек шеъриятининг энг улкан намояндаларидан.

Абдулла Орипов 1941 йилнинг 21 март куни Қашқадарё вилояти Косон туманининг «Некуз» қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Тошкент давлат университети журналистика факультетида таҳсил олиб, уни 1963 йилда тамомлади. 1963-76 йилларда «Ёш гвардия» (ҳозирги «Камалак»), Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётларида муҳаррир, катта муҳаррир, «Шарқ юлдузи» журналида бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилди. 1976-88 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси, уюшмага қарашли Тошкент вилояти бўлимининг масъул котиби, «Гулхан» журналининг бош муҳаррири ва ниҳоят Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби сифатида фаолият кўрсатди. 1988 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлигининг раиси. 1996 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Абдулла Ориповнинг ўттиз йиллик қизғин ва серқирра ижодий фаолият мобайнида «Онажон», «Руҳим», «Ўзбекистон», «Ҳайрат», «Юзма-юз», «Йиллар армони», «Ҳаж дафтари», «Савоб», «Бедорлик», «Сайланма» каби жами ўттизга яқин шеърий китоблари чоп этилди. Айниқса, «Ҳаким ва ажал», «Жаннатга йўл», «Ранжком» ва «Соҳибқирон» достонлари адабиёт шинавандаларининг бебаҳо маънавий мулки бўлиб қолди.

Абдулла Орипов Ўзбекистон Давлат мадҳияси матнининг муаллифи, давлатимизнинг олий мукофоти ва бир қатор орденлари соҳиби.

У АҚШдаги Фан, Техника, Индустрия ва Санъат академиясининг ҳақиқий аъзосидир.

ЮСУПОВ Боймурат Жумаевич

235-Шаматон сайлов округи

Боймурат Юсупов ҳозирда Халқаро кураш ассоциацияси халқаро алоқалар ва спорт департаменти Бош директори лавозимида ишлайди. Ўзбек кураши дунёга бўйлади. Ҳамма тан олди. Шубҳасиз, унинг янада жаҳон аренасида мустаҳкам ўрин эгаллаши, шуҳратининг ортиши кўплар қатори Боймуратнинг ҳам эзгу-орзуларидан. Ўзида ҳам жўшқинлик бор, полвон келбат.

Боймуратнинг иш фаолиятини қузатадиган бўлсак, унинг ҳар они ёшлар ҳаёти билан боғлиқ бўлганини кўрамиз. Дарҳақиқат, у Тошкент электротехника ва алоқа институтини тамомлагач, Яккабоғ туманидаги 23-ўрта махсус билим юртида дарс берди. Сўнг туман ёшлар қўмитасида йўриқчи, бўлим мудири, котиблик вазифаларида ишлади. 1991 йил Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий қўмитаси халқаро алоқалар бўлим мудири, Қашқадарё вилоят Ёшлар иттифоқи қўмитаси II котиблигида ишлади. Вилоят «Камолот» ёшлар жамғармаси бошқаруви раиси бўлган. Унинг бугунги кундаги фаолияти ҳам ёшлар билан, юрт довруғини дунёга ёйдиган, миллий ғурур соҳиблари — курашчилар билан боғлиқ.

Боймурат қайси лавозимда ишламасин, доимо ёшларга хос бўлган жўръат билан ишлайди. Ҳар бир ҳаракатни мантиқий мезонларга солади, мантиқий хулосалар ясайди, теран фикрли. У давлатимиз томонидан «Ўзбекистон белгиси» нишони билан тақдирланган.

НОРМУРАДОВ Мурадулла

230-Чироқчи сайлов округи

Мурадулла Нормурадов 1968 йилда Тошкент давлат университети физика факультетини тугатган. Унинг асосий иш фаолияти Тошкент давлат техника университетида кечган. 1997 йилнинг февраль ойидан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг раҳбарлигида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида ўқув, илмий ва тарбиявий ишлар такомиллашмоқда. Аниқроғи, тез орада ўқув юртида талабалар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими ва профессор-ўқитувчиларнинг фаоллигини аниқлаш низомлари ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди. Талабаларни ўқитиш ва билимини назорат қилишда замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш мақсадида институтда тест-рейтинг маркази ташкил этилиб, замонавий ЭҲМлар билан жиҳозланди. Нормурадовнинг бевосита раҳбарлигида халқаро ва республика миқёсидаги илмий-услубий, амалий анжуманлар ўтказилди.

Мурадулла Нормурадов институтда илк бора халқаро алоқаларни йўлга қўйди. Жумладан, институт олимлари немис ва голланд олимлари билан ҳамкорликлари натижасида «ТЕМРУС-ТАСІС» халқаро дастури грантига эга бўлишди. Ҳозирда ҳам бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда

Физика-математика фанлари доктори, профессор М. Нормурадов физикавий электрониканинг қаттиқ жисмлар сирт юзаларининг хосса ва хусусиятларини кичик қувватли ионлар таъсирида ўзгартириш ва бошқариш соҳасида йирик олим бўлиб, у нафақат мамлакатимизда, балки, чет эллик ҳамкасблари орасида ҳам катта обрўга эга. У 200 дан ортиқ илмий ишлар муаллифидир.

МУҲАММАДИЕВ Баҳодир Нормурадович

236-Яккабоғ сайлов округи

Баҳодир Муҳаммадиев 1978 йилда Андижон пахтачилик институтининг гидромелиорация факультетини тугатгач, дастлаб Смоленск вилоят Духовшина туманидаги қурилиш ташкилотида иш бошлади. Ҳарбий хизматга чақирилди. 1980 йилда Ҳисорак қурилиш бошқармасига ишга келди. Ана шунда у юқори Қашқадарёнинг бир неча туманларини сув билан таъминлайдиган улкан иншоот қурилишида қатнашган, қалби фахрга тўлган эди. Тоғ шароитида, қор, ёмғир остида ишлаш, айрим муаммоларнинг муҳандислик ечимини топиш катта куч-заковат талаб қиларди. Баҳодир ва унинг дўстлари бу ишнинг уддасидан чиқишди. «Оқсув-Яккабоғ» каналини ҳам ишга туширишди. Унинг ҳаёти шу ташкилот қурилаётган янги-янги иншоотлар билан узвий боғланиб кетди. Даставвал, у бирлашма таркибидаги махсус механизациялашган ташкилотда муҳандис, ишлаб чиқариш бўлими, участка бошлиғи, 1990-95 йилларда режалаштириш бўлими бошлиғи, бош муҳандис вазифаларини бажарди. 1996 йилдан ҳозиргача «Ҳисораксувқурилиш» трести 3-механизациялашган колоннаси бошлиғи бўлиб ишламоқда.

Қурилиш қайси соҳада бўлмасин, юрт ободлиги демакдир. Ободончилик осонлик билан амалга ошмайди. Гоҳ маблағ, гоҳ ашёлари, гоҳ техника етишмай қолади. Баҳодир Муҳаммадиев шу ташвишлар билан бўлиб ўтказган умрида анча ибратли ишларни амалга оширишга эришди.

ҒАНИЕВ Муратбой Шимбергенович

237-Нукус сайлов округи

М.Ғаниев 1963 йили туғилган. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

У Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлагач, иш фаолиятини Тахтакўпир туманидаги ўрмон хўжалигида муҳандисликдан бошлаган. Сўнг Нукус ўрмон хўжалигида масъул вазифаларда ишлади. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитасининг ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи, шу қўмита раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаганида ўрмончиликнинг сир-асрорини янада теран ҳис этди ва бой тажриба орттирди. 1996 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси давлат ўрмон қўмитаси раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда.

У ўрмон хўжалиги мутахассиси сифатида ўрмонзорларни сақлаш, уни муҳофаза қилиш, янги ўрмонзорларни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, унинг ташаббуси билан Орол денгизи атрофида экологик муҳитни яхшилаш, қум кўчишининг олдини олиш мақсадида қарийб 80 минг гектарлик очиқ майдонга саксовул экилди. 265 минг гектарга теракзорлар барпо этилди. Бозатаў, Чимбой ва бошқа қатор туманларда 80 гектар боғ ташкил этилди. Ҳар йили камида 20 минг гектар атрофида янги ўрмонзорлар бунёд этилмоқда. Орол денгизи атрофида чанг-тўзонларнинг кўтарилишини тўхтатиш учун Ўрмонфитомелиорация ишлари амалга оширилмоқда.

Муратбой Ғаниев ўзига ва ходимларга нисбатан талабчан, ишнинг кўзини биладиган, камтарин, ишчан раҳбар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА

МАМУТОВ Жангабай Искендерович

238-Университет сайлов округи

Ж. Мамутов 1950 йил туғилган. 1976 йили Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия институтини тамомлаган. Шифокор-педиатр, тиббиёт фанлари доктори, профессор. Жангабай Мамутов 1990 йили докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгач, Тошкент педиатрия институтининг Нукус филиалини ташкил этиш гуруҳининг бошлиғи этиб тайинланади. У Нукус филиалининг моддий-техника базасини ташкил этишда ва бошқа ташкилий ишларда фаоллик кўрсатди. Унинг 100 дан кўпроқ илмий мақолалари, монографияси, рисолалари мавжуд. Ўқув-услубий қўлланмалар, биокимё фани бўйича дарсликлар муаллифи. Ж. Мамутов тиббиёт фани соҳасида ҳам илмий кадрлар тайёрлаган. У 2 докторлик, 6 номзодлик илмий ишларга раҳбарлик қилмоқда.

У республикамизда кўп учрайдиган касалликларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини илмий асосда ўрганиш, амалиётга татбиқ этиш, уларни ЮНЕСКО дастурига киритиш, ички органлар — ошқозон-ичак касалликларини даволаш учун зарур бўлган дори-дармонларни тайёрлаш, даволаш, касалликнинг олдини олиш, соғлом авлоднинг туғилиши ва ўсиши учун зарур тадбирларни амалга ошириш йўлида хизмат қилмоқда.



КОЧМАРИК Изидор Андреевич

239-Тахиатош сайлов округи

И. Кочмарик 1995 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитасининг раиси лавозимида ишлаб келмоқда. Ўзбекистон ХДП Марказий кенгаши котиби. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган.

Унинг иш фаолияти 1961 йилда «Главсредазирсовхозстрой»нинг Мирзачўлдаги таъмирлаш-механика заводида токарликдан бошланган. Кейинчалик Гулистон шаҳридаги 30-автобазада автомобиль ҳайдовчиси, сўнгра ҳарбий хизматда бўлган. 1966-1974 йилларда шу шаҳардаги электр устахоналари идорасида электр пайвандчи, катта уста, техника масалалари бўйича бошлиқ ўринбосари, бош муҳандис, Гулистон шаҳар ҳокимлигида бўлим мудири ва кейинчалик бир қатор масъулиятли вазифаларда ишлади. 1991-1995 йилларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби бўлиб ишлади.

Изидор Андреевич Кочмарикнинг мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда, саноат, транспорт, энергетика, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашда катта хизматлари бор. Айни пайтда ҳам аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Унинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони ва «Дўстлик» ордени билан мукофотланган.

ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ДАВЛЕТОВ Сапарбой

240- Хўжайли сайлов округи

Сапарбай Давлетов Хўжайли туманидаги Кунхўжа номидаги ўрта мактабда математика фани бўйича ўқитувчиликдан иш фаолиятини бошлади. У ҳарбий хизматни ўтаб келгач, ўқитувчилик касбини давом эттириб, ёшларга билим берди. Тажриба орттириб мактаб директори ўринбосари бўлди. Сўнг республика Халқ таълими вазирлигига қарашли Хўжайлидаги туманлараро фильмотекага раҳбарлик қилди. Иш давомида у ўзининг ташкилотчилиги, сиёсий билимдонлиги янгиликка интилувчанлиги билан назарга тушди.

Қишлоқ хўжалигини яхши билиши, қолаверса далада ишлашга уқуви борлиги учун ҳам кейинги йилларда шу соҳада самарали меҳнат қилди. «Қорақалпоғистон» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасининг биринчи ўринбосари ҳамда Ўзбекистон ХДП бошланғич партия ташкилоти котиби лавозимларида ишлади.

У 1997 йилдан бери «Қорақалпоғистон» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Сапарбай Давлетов моҳир ташкилотчилик қобилияти, ишчанлиги билан жамоада обрў орттирди. Хўжаликнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Миллий қадриятларни тиклашда, айниқса ёшларни мустақиллик, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, улар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда раҳбар сифатида фаоллик кўрсатмоқда.



МУРАТОВ Аманжол Алланиязович

241-Кегейли сайлов округи

Аманжол Муратов 1948 йили Кегейли туманида туғилган. Ўзбекистон ХДП аъзоси. 1969 йили Тошкент қурилиш техникумини, 1986 йили Нукус давлат университетини тамомлаган.

1964 йили Кегейли туманидаги Қорақалпоқ давлат Уруғчилик станциясида оддий ишчиликдан меҳнат фаолиятини бошлаган. 1971-1991 йилларда шу тумандаги биринчи сон кўчма механизациялаштирилган колоннада уста, бош иш юритувчи, бош муҳандис, бошлиқ бўлиб хизмат қилди. 1991 йили Кегейли тумани 321-сонли кўчма механизациялаштирилган корхонага раҳбар этиб тайинланди. Айни пайтда Аманжол Муратов Кегейли агроқурилиш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига раҳбарлик қилмоқда.

Аманжол Муратовнинг Нукус шаҳридаги улкан қурилишларни бунёд этишда катта ҳиссаси бор. Унинг раҳбарлигида Кегейли туманида 10 та мактаб, 8 та болалар боғчаси, 1 та касалхона қурилиши битказилиб фойдаланишга топширилди.

У ўзи раҳбарлик қилаётган корхонада ёшларни меҳнатни қадрлашга, катталарга ҳурматда, кичикларга ғамхўр бўлишни ўргатади, уларнинг ҳалол, пок бўлиб тарбия олишига алоҳида эътибор беради.

Унинг эл-юрт олдидаги меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан тақдирланган.

ЖУМАНИЯЗОВ Мадрасул

242-Амударё сайлов округи

Мадрасул Жуманиязов 1946 йили Амударё туманида туғилган. 1974 йили Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Зоотехник. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

Дастлабки иш фаолиятини 1964 йили шу тумандаги «Туркманистон» жамоа хўжалигида ветсанитар, зоотехникликдан бошлаган. Кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қошидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва сифат бўйича давлат назорати инспекциясининг Амударё тумани бўйича назоратчиси, Амударё туманидаги деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасининг раҳбари бўлиб ишлаган. Бугунги кунда «Туркманистон» жамоа хўжалигига раҳбарлик қилмоқда. М. Жуманиязов хўжаликнинг иқтисодиётини, қўтаришга ижтимоий-маданий шароитларни яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хўжаликда деҳқончилик маданияти, ирригация-мелиорация ишларининг аҳволи яхшиланди. Ердан самарали фойдаланиш ва уни тартибга келтириш, сув билан таъминлаш муаммолари ўз вақтида ҳал қилинмоқда. Ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида ортиқча харажат, чиқимга чек қўйилди. Хўжаликда энг оқсаётган соҳа—чорвачиликни ривожлантиришда бир қатор тадбирларни амалга оширди. Хўжаликда давлатга пахта, ғалла етиштириб беришдан ташқари сабзавот, ва полиз маҳсулотларидан мўл ҳосил олишга катта эътибор бераётир.

М. Жуманиязов талабчан раҳбар, ташаббускор, ташкилотчи, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиб, ишчи ва мутахассисларнинг меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришни ўзига асосий дастуриламал қилиб олган.

ФАХРУТДИНОВ Нуратдин Хикматуллаевич

243-Элликқалъа сайлов округи

Нуратдин Фахрутдинов 1985 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлагач Элликқалъа туманининг Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ҳисобчи, Қорақалпоғистон ипакчилик бирлашмасида бош иқтисодчи, Элликқалъа тумани агросаноат бирлашмасида ҳисобчи, шу бирлашма раисининг иқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосари лавозимларида хизмат қилди. 1996 йилдан буён Г. Одилов номли деҳқон фермер хўжаликлари бирлашмаси раиси вазифасида ишлаб келаётир. У раҳбарлик қилаётган бирлашмада ҳар йили пахта, буғдой, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорлик юқори бўлмоқда. Буларнинг барчасига ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, илғор агротехника қоидаларига амал қилган ҳолда эришилмоқда.

Бирлашма аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, яхшилаш йўлга қўйилган бўлиб, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига бирлашма томонидан моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

— Эртани ўйлаб, жамоанинг ишончига сазовор бўлсангиз кутилган натижага, албатта эришасиз, — дейди у. — Демак, одамлар сизга ишондими ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида кутилган натижага эришилади.

КУВАНДИКОВ Олимбой

244-Тўрткўл сайлов округи

Олимбой Кувандиков 1949 йили Тўрткўл туманида «Оқ қамиш» овулида туғилган. Мутахассислиги инженер-механик. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1966 йили тумандаги «Мискин» жамоа хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаган. Сўнг механик, устахона бошлиғи, муҳандис, «Мискин» ширкатлар хўжалиги раисининг ўринбосари, Тўрткўл тумани ўрмон хўжалигининг директори бўлиб ишлаган. Ҳозир шу хўжаликка раҳбарлик қилмоқда. Айни пайтда бошланғич партия ташкилоти котиби. Биринчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг депутати. У Жўқорғи Кенгеси сессияларида фаол қатнашиб, қабул қилинган қонунларда, қарорларда ўзининг сайловчилари томонидан билдирилган таклиф-тавсияларни киритишга муваффақ бўлди.

У ташаббускорлиги, ишчанлиги, билимдонлиги билан кўпчиликнинг назарига тушди. Олимбой Кувандиков сиёсий жиҳатдан саводли, билим савиясини кун сайин ошириб бормоқда. Деҳқончиликни яхши биладиган, замон қўяётган талабларни чуқур идрок этадиган раҳбар.

ОРАЗОВ Тулибай Каландарович

245-Беруний сайлов округи

Т. Оразов 1967 йили Нукусдаги гидромелиоратив техникумини тамомлагач, Беруний кўчма механизациялаштирилган колоннада ер насоси машинисти, қурилиш бригада бошлиғи ва қатор масъул вазифаларда ишлади. Сўнг Жанубий Қорақалпоқсув қурилиш трестига қарашли Шаббоз кўчма механизациялаштирилган колоннада раҳбар бўлиб ишлади. Ҳозир у Маҳтумқули деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасининг бошқарувчиси лавозимида ишламоқда.

Техника тилини яхши биладиган, агротехника қоидаларини яхши ўзлаштирган Т. Оразов хўжалик иқтисодиётини ривожлантиришда, деҳқонларнинг Фаровонлигини юксалтиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорларини изчиллик билан амалга ошириш. Хонадонларни газлаштириш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлашда ибратли ишларни амалга оширмоқда.

У Ўзбекистон ХДП Беруний тумани кенгаши ижроия бюроси аъзоси. Т. Оразов бирлашма иқтисодининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб, илм-фан янгиликларини ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этмоқда.

— Ўтиш даврида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштирмасдан туриб қишлоқ хўжалигини айниқса, пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотларни етиштиришни кўпайтириш мумкин эмаслигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, — дейди Т. Оразов.

ЛЮБИМОВ Николай Владимирович

246-Қўнғирот сайлов округи

Николай Владимирович Любимов 1949 йилда Тожикистон Республикасининг Ленинобод шаҳрида туғилган. 1972 йилда Москва автомеханика институтини тамомлаган. Ўзбекистон ХДП аъзоси Н. Любимов 1966 йили «Ўзгипроқурилиш» лойиҳалаш институтида механик-электрик бўлиб ишлади. 1976 йили «Қорақалпоқирмонтажстрой» трестида қурилиш механизацияси бошқармасида, «Сувқурилишиндустрия» корхонасида бош муҳандис, Нукус шаҳар ҳокимлигининг саноат ва ташкилий бўлимларида мудир бўлди. Сўнг Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгашининг иккинчи котиби бўлиб ишлади. 1992 йилнинг сентябрь ойидан Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ишламоқда. У «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» унвони билан тақдирланган. У ҳамкасблари, орасида катта обрўга эга. Масъулиятни вақтида ҳис этадиган, талабчан, бошланган ишни ниҳоясига етказмасдан қўймайдиган етук кадр.

САПАРНИЯЗОВ Айтбай

247-Шуманай сайлов округи

Айтбай Сапарниязовнинг «Таълим тўғрисидаги» Қонун, «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури»ни амалга оширишда, ҳаётга тадбиқ этишда ва ўқувчиларни дарсликлар, кўргазмали қуроллар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратаётганлиги таҳсинга сазовор: У ҳар бир ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланиб келиши, дарс мазмунли ўтилишининг тарафдори.

А. Сапарниязов 1939 йили Хўжайли туманида туғилган. Ўзбекистон ХДП аъзоси.

У меҳнат фаолиятини «Шуманай» хўжалигида 1957 йили ҳайдовчиликдан бошлади. Нукус давлат педагогика институтини тамомлагач, 1967 йили шу тумандаги 1-сон ўрта мактабда рус тили ва адабиёти фани бўйича ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1971 йилдан бошлаб тумандаги халқ таълими бўлимида, сўнгра бир қатор масъулиятли лавозимларда меҳнат қилди. Айни пайтда Шуманай тумани халқ таълими бўлими мудири бўлиб хизмат қилмоқда.

Билим савиясини кун сайин ошириб бораётган А. Сапарниязов туман халқ таълими ходимларига нисбатан талабчан. Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, уларда маънавият, маърифат ҳис туйғуларини шакллантириш борасида жон куйдираётган мураббийдир.

АСАНОВ Атаулла Худайбергенович

248-Чимбой сайлов округи

Атаулла Асанов 1943 йил Чимбой шаҳрида туғилган. 1970 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислар институтини тамомлаган. Меҳнат йўлини 1976 йилда «Тахиатошгидроэнергоқурилиш» бошқармасида бошлади. Кейинчалик шу ерда прораб, ишлаб чиқариш техник инспекцияси бошлиғи, бош технолог бўлди. Тақдир уни бир қатор масъулиятли вазифаларда синаб кўрди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари ва халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши раиси вазифаларида ишлади. 1991 йилдан Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишламоқда.

Атаулла Асанов билимдон мутахассис, ўз фикрига эга, талабчан, ишчан кадр. Катта ташкилотчилик қобилиятига эга. У Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Тахиатош гидроузели ҳамда Тахиатош ГРЭСининг IV навбати қурилишида. Тўрткўл, Беруний, Манғит ва Хўжайли текстил комбинатлари филиаллари ва уй-жойлар қурилишларида, овулларни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашда транспорт қатновини йўлга қўйиш ва ободончилик ишларини яхшилашда фаолият кўрсатди.

У ҳукуматимизнинг бир қатор орден ва медаллари билан тақдирланган.

МАХАНОВ Жайлыбай Турманбетович

249-Бердақ сайлов округи

Жайлыбай Маханов 1948 йили Хўжайли туманида туғилган. 1972 йилда Олмаота шаҳридаги зооветеринария институтини тамомлаган. Ўзбекистон ХДП аъзоси. Ж. Маханов ўзининг дастлабки иш фаолиятини Кегейли туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигида оддий ишчи бўлиб ишчиликдан бошлаган. Сўнгра «Қорақалпоғистоннинг 40 йиллиги» жамоа хўжалигида бош зоотехник, Қораўзак туманидаги «Есим ўзак» жамоа хўжалиги директори бўлиб ишлади. 1995 йилдан буён «Қорақалпоғистоннинг 40 йиллиги» жамоа хўжалигининг раиси лавозимида ишламоқда.

Ж. Маханов қисқа муддатда туманда деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда ҳозирги замон фан ютуқларининг илғор тажрибаларини, иқтисодиётни бошқаришнинг янги усулларидан кенг фойдаланишга интиладиган ишчан раҳбар сифатида танилди. Кейинги йилларда чорва сони кўпайиб, қорақўлчиликда юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Айни пайтда қўйларнинг бош сони аввалги йилларга нисбатан анча кўпайди. Гўшт, қорақўл тери, жун тайёрлашда бирмунча ўзгариш бўлмоқда. Буларнинг ҳаммасига фақат меҳнат йўли билан эришмоқда. Ж. Маханов ўзи раҳбарлик қилаётган хўжалик аъзоларининг турмуш шароитларини яхшилашга амалий ҳаракатлар билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий ишларда фаоллик билан қатнашмоқда. У Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ижроия бюросининг аъзоси.

Ж. Маханов партиянинг сиёсатини халқ орасида тарғибот ташвиқот қилишда ҳам катта тажрибага эга.

КОЖЫКОВ Татлымурот Мырзамуратович

250-Орол сайлов округи

Т. Кожыковнинг Мўйноқ шаҳрида қўли тегмаган қурилиш бўлмаса керак. Кейинги йилларда қурилган иморатлар, саноат корхоналари маданий-оқартув муассасалари касалхоналар, поликлиникалар, мактаблар, болалар муассасалари қурилишларида унинг муносиб хизматлари бор. У 1956 йилда Мўйноқ шаҳрида туғилган Т. Кожыков 1979 йилда Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетини тамомлагач, иш фолиятини «Оролсувқурилиши» бирлашмасига қарашли Мўйноқ кўчма механизациялаштирилган колоннасида қурилиш усталигидан бошлади. 1980-1983 йилларда ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган.

У қаерда фаолият юритмасин жамоа ўртасида тажрибали билимдон кадр эканлигини кўрсатди. Ишнинг кўзини бил, қурилиш ишларида ижобий ўзгаришларни амалга татбиқ этди. Унинг одамлар билан тезда тил топиши ишнинг илдам кетишига ижобий таъсир этди. Кейинги йилларда Орол фожиасидан жабр кўраётган мўйноқликларнинг турар жойларини яхшилаш мақсадида у раҳбарлик қилаётган корхона жамоаси қурилиш кўламини кенгайтиришга эришди.

Т. Кожыков яқинда «Қорақалпоғистон республикасида хизмат кўрсатган бинокор» унвонига сазовор бўлди.

Материалларни Юнус УЗОҚОВ, Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ, Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВлар тайёрлашди.

Саботажчиларга қарши кураш

Ўзбекистон ҳукумати иш ҳақи ўз вақтида тўланмаётган корхона раҳбарлари масъулиятини оширмоқда.

Бугунги кунда иш ҳақини ўз вақтида тўлаш барча МДҲ давлатлари учун умумий муаммо ҳисобланади. Кўпинча жойларда ижтимоий-сиёсий беқарорлик келиб чиқишининг асосий сабаби ҳам шу билан изоҳланади.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ўтган ҳафтада «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорга мувофиқ, иш ҳақини тўлашга оид қарзлар йиғилиб қолишининг олдини олиш мақсадида, вазирликлар, муассасалар ва барча хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари бир ҳафта ичида ўзларига қарашли ташкилот бўлинмаларида меҳнатга иш ҳақи тўлаш бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳолатини хатловдан ўтказиш ва қарзларни узиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш учун жавобгардирлар.

Бундан ташқари, барча хўжалик юритувчи субъектлар дебиторлик қарзларни ундириш учун қўшимча чора-тадбирлар кўриши ва 1999 йил 1 декабргача иш ҳақи бўйича мавжуд қарзларини тўла-тўкис узиш учун ўзларининг бошқа заҳираларидан ҳам тўла фойдаланишлари зарур.

Бундан буён вазирликлар, муассасалар, хўжалик юритувчи субъектлар ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг биринчи раҳбарлари иш ҳақини ўз вақтида тўлаш ва иш ҳақи учун ажратилган маблағлардан тўғри фойдаланиш учун шахсан масъулдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасига банкрот корхоналарни тугатиш комиссиялари билан биргаликда қарздорлардан тегишли маблағларни ундиришни тезлаштириш ва мол-мулкини сотиб, иш ҳақи бўйича қарзларни тўлашга йўналтириш чораларини кўриш юзасидан кўрсатмалар берилган.

Иш ҳақи ўз вақтида тўланмаётганлигига сабабчи тижорат банкларига келадиган бўлсак, улар иш ҳақини тўлашга мўлжалланган маблағларни хўжалик юритувчи субъектлар томонидан белгиланган мақсадлар учун сарфланишини қаттиқ назорат қилишлари лозим. Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига мувофиқ, тижорат банклари иш ҳақи учун ажратилган нақд пул маблағларидан бошқа мақсадда фойдаланиш ҳолларини қайд этсалар, бу ҳақидаги ҳужжатларни беш кун муддат ичида прокуратура органларига топширишлари лозим. Ўз навбатида Ўзбекистон Прокуратураси иш ҳақи тўлаш учун ажратилган маблағлардан бошқа мақсадда фойдаланишга йўл қўяётган корхона раҳбарларини жавобгарликка тортиш борасидаги назоратни кучайтириши керак.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасида иш ҳақини тўлаш бўйича анчагина қарзлар тўпланиб қолган. Шунинг учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжи учун сотиб олинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб тўловларини амалга оширувчи жамғарма томонидан шу йил ноябрь-декабрь ойларида пахта етиштирувчи хўжаликларга жорий иш ҳақи тўлаш ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан режали ҳисоб-китобни таъминлаш учун 2 млрд. сўм, «Ўзкимёсаноат» уюшмаси ва корхоналари учун 500 млн. сўм миқдоридаги мақсадли маблағларни махсус траншлар билан ажратишга қарор қилинди.

Бу тезкор чораларни ҳуқуқий жиҳатдан асослаш учун Адлия вазирлигига манфаатдор вазирликлар ва муассасалар билан биргаликда бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига иш ҳақи учун ажратилган маблағлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланилаётган корхона ва ташкилот раҳбарларини жавобгарликка тортиш учун амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш вазифаси топширилган.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон ҳукуматининг бу тезкор чоралари ўз самарасини бермоқда. Мазкур қарор қабул қилинганидан беш кун кейин республикада иш ҳақини тўлаш бўйича қарз ўттиз фоиздан кўпроққа қисқарди. Шунинг учун ҳам ҳукумат манбаларида қайд этилишича, иш ҳақини тўлаш бўйича қарзларнинг асосий қисми биринчи декабргача узиб бўлинади дейишга барча асос бор. Агар мана шундай фавқулодда чоралар иш ҳақини тўлаш муаммосини тезда ҳал қилишга ёрдам берар экан, нега фуқаролари ойлаб ўз иш ҳақини ололмаётган МДҲ давлатлари ва хусусан Россия Ўзбекистон ҳукуматининг саботажчиларга қарши кураш тажрибасидан фойдаланмасликлари керак? Ахир, ҳамма ерда иш ҳақини ўз вақтида тўламасликнинг сабаблари бир хил эмаси?

Михаил ГЕРАСИМОВ

(«Независимая газета»)
1999 йил, 26 ноябрь

Внимание: аукцион!

Ташкентский городской муниципальный биржевой центр

проводит 10, 24 декабря 1999 года в 10 часов аукционные и биржевые торги.

НА ТОРГИ ВЫСТАВЛЯЮТСЯ:

Автотранспортные средства, принадлежащие

1. Ташкентскому городскому управлению налоговой инспекции
— автомобиль «Эсперо 2.0 СД А/Т», гос. № 10 AG 227, стартовая цена 1675850 сумов;
— автомобиль «Эсперо», гос. № 0140 ТНС, стартовая цена 2132900 сумов.
2. Хамзинской налоговой инспекции
— автомобиль «Эсперо 2. 0 СД А/Т», гос. № 2258 ТНД, стартовая цена 1675850 сумов;
— автомобиль «3 ГТ 0600» (микроавтобус), гос. № 3633 ТНД, стартовая цена 1108000 сумов.
3. Республиканскому тестовому центру при Кабинете Министров Руз.
— автомобиль «РАФ-2203», гос. № 8466 ТНБ, стартовая цена 350505 сумов;
— автомобиль «TOYOTA», гос. № 10 AF 184, стартовая цена 1160292 сума;
4. Чиланзарскому управлению по озеленению
— автомобиль «ГАЗ-2411», гос. № 1343 ТНА, стартовая цена 119820 сумов.
5. Хамзинскому отделению Народного банка
— автомобиль «УАЗ-31514», гос. № 1604 ТНД, стартовая цена 523162 сума.
6. Юнусабадскому отделению Народного банка
— автомобиль «РАФ-31514», гос. № 1612 ТНД, стартовая цена 560531 сум.
7. Мирзо Улугбекскому отделению Народного банка
— автомобиль «Москвич-2141», гос. № 1074 ТНД, стартовая цена 161944 сума.

Объекты недвижимости и имущество предприятий объявленных банкротами:

— часть здания АБК о автогаражом и транспортными средствами АООТ «КСМ» ПСМО «ВОСТРОЙ», расположенного в Южной промзоне Сергелийского района, стартовая цена 17000000 сумов;
— территория БРУ с механизмами АООТ «КСМ» ПСМО «ВОДСТРОЙ», расположенного в Южной промзоне Сергелийского района, стартовая цена 8000000 сумов.

Объекты недвижимости и имущество предприятий имеющих задолженность перед бюджетом:

— зона отдыха «Строитель», принадлежащая АООТ «Ташпромгражданстрой», расположенная в Ташкентской обл. , Бостанлыкский район, село Кызил-сув. Стартовая цена 20410500 сумов.
— незавершенное строительством здание цеха товаров народного потребления, принадлежащее КПТП «Аззат», расположенное в Сергелийской промзоне Сергелийского района, ул. Бешкентская. Стартовая цена 3400000 сумов.

Земельные участки под индивидуальное жилищное строительство, передаваемые в пожизненно-наследуемое владение граждан, площадью

400.0 кв.м.; расположенные на массиве Сергели-14 «а» Сергелийского района. Стартовая цена одного земельного участка 224449 сумов.

Прием заявок на участие в аукционе по земельным участкам прекращается за трое суток до начала проведения аукциона.

СПЕШИТЕ, ЭТО ВАШ ШАНС!

Наш адрес: г. Ташкент, ул. А. Кадыри, дом 13, ком. 1
Телефоны для справок: 144-51-74, 144-56-72, 144-43-77

Тўп ва тақдир

ёки футболчиларимизнинг ёруғ юз билан қайтиши

Ҳал қилувчи ёҳуд якунловчи футбол учрашувлари тақдирини кўпинча бир тўп ҳал қилишини мухлислар яхши билишади. Ишқибозлар Хиросимада ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида мамлакатимиз терма жамоасини ажойиб ғалабага эришиб, ёруғ юз билан қайтишида сўнгги учрашувда Азамат Абдураимовнинг дарвозага йўллаган ягона тўпи ўйин тақдирини ҳал қилганини ҳанузгача эслаб юрадилар. Бу гал ҳам шундай бўлди. Бирлашган Араб Амирликларига катта умид ва зўр ишонч билан йўл олган бош терма жамоамиз Осиё чемпионатининг саралаш учрашувини кўтаринки руҳда бошладилар. Бу мусобақада футболчиларимизга андак ноқулайлик, у ҳам бўлса учрашувларни деярли дам олмай ўтказишларига тўғри келиши мухлисларни ҳам ранжитиб турганди.

Маҳмуд Раҳимов бошчилигидаги терма жамоамиз бир жон, бир тан, яъни аҳиллик ва ҳамкорликни ўрнига қўйиб, астойдил маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг бу ҳаракатлари биринчи учрашувдаёқ ўз самарасини берди. Бангладеш терма жамоаси дарвозасига олтита жавобсиз тўп киритилиши ҳаммамизда ҳам умидворлик уйғотди. Ашаддий мухлислар бош жамоамизни ёмон кўзлардан асрасин, деб дуо қилиб турдилар. Шри-Ланка терма жамоаси билан ўтказилган иккинчи учрашувда ҳам дарвозамиз даҳлсизлиги таъминланиб яна 6:0 ҳисобига эришилди.

Саралаш турнири орасида Ҳиндистон жамоаси ҳам бўш келмайдиган футболчилардан экани кўриниб қолди. Бироқ майдон эгалари — БАА ўйинчилари билан учрашувда ҳиндистонликлар 3:1 ҳисобида бой беришиб қўйишди.

Ҳинд футболчилари билан Ўзбекистон жамоаси учрашуви анча қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Ўйиннинг биринчи қисми деярли ҳиндлар ташаббуси остида ўтди. Танаффусдан кейин футболчиларимиз ўзларини ўнглаб кетма-кет тўплар билан ҳисобни ўз фойдаларига — 3:2 га етказишди.

Шундай қилиб юртдошларимиз жами ғалабаларини учтага етказиб, мавқеларини мустаҳкамладилар. Эндиги вазифа турнир ғолиби бўлиш учун гуруҳдаги энг кучли жамоа ҳисобланган БАА футболчилари билан учрашувда ҳам астойдил маҳорат кўрсатишдан иборат эди. Йигитларимизга рўбару бўлгунга қадар уч кун дам олган БАА футболчилари ўйиннинг бошиданоқ ҳужумкорликка зўр беришди. Ҳужум билан мудофаани уйғунлашга ҳаракат қилган йигитларимиз майдонда ҳушёр турдилар. Зеро, дарвоза қўриқчиси Павел Бугалога осон бўлмади. У танаффусгача бир неча маротаба кучли ҳужумлардан иборат хавф-хатарни бартараф этишга имкон топди. Учрашувни кузатиб турган ҳар бир ишқибоз кўнглида ўйин тақдирини бир тўп ҳал қилади деган хаёл ҳукмрон эди. Футболчиларимизнинг навбатдаги ҳужумларидан бирида Миржалол Қосимов оширган тўпни дарвоза бурчагига аниқ йўллаган Максим Шацкихнинг муроди ҳосил бўлди. Тўп дарвоза устунига тегиб, тўрга урилди. Шундан кейинги ҳар қанча уринишлар самарасиз кечди. Бош терма жамоамиз муддатидан олдин очколарни 12 тага етказиб, гуруҳ ғолиблигини қўлга киритди. Турнир эса кеча Ҳиндистон — Бангладеш, БАА — Шри-Ланка учрашувлари билан якунланди. Энди футболчиларимиз келаси йили Байрут шаҳрида ўтказиладиган Осиё чемпионатининг финал ўйинларида қатнашади.

Ҳайдар НОСИРОВ

«Обуна-2000»

«Мулоқот»га обуна бўлдингизми?

«Мулоқот» журнали ўн йилдан буён қўлингизга бориб тегмоқда.

Бугун унинг ўн минглаб мухлису муштарийлари бор. Чунки журналнинг асосий мақсад ва маслаги инсонийликни эъзозлаш ва келажак уфқларини аниқ кўра билишга интилишдан, унутилиб бораётган ўтмишни жонлантиришдан иборат бўлди. Шу боис мустақиллик ғояларини миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий мафкура ғояларини, тарихимизнинг машҳур ва нодир саҳифаларини ёшларимизга, маънавиятимиз ихлосмандларига етказди. Буюк бобокалонларимиз, бизнинг юртдошларимиз бўлган Шарқу Ғарбда машҳур файласуфлар, алломалар, муҳандислар, муаррихлар, азиз пиру авлиёларнинг ҳаётлари ва аъмоллари ҳақидаги мақолаларимиз ўқувчиларнинг катта қизиқишини тортмоқда. Бугунги кунимиз муаммолари ва келажак учун жонкуярлик ҳам журналнинг асосий мавзуидир. Айниқса, маънавиятимиз ва иқтисодиётимиз муаммолари кўтарилган мақолалар журналхонларимизнинг фикр-мулоҳазаларига сабаб бўлмоқда.

«Мулоқот» журнали халқимиз келажаги, Ватанимиз равнақини кўзда тутган ҳолда ҳар қандай табақа вакиллари билан атрофлича ва чуқур мулоқот қилишга тайёр. Журналимиз ҳар бир хонадонга тинчлик ва барқарорлик шабадасини, келажакка ишонч, тинчлик, озодлик ва мустақилликка шукроналик руҳини олиб киражак.

«Мулоқот» журналига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичларимиз: Якка обуначилар учун-844, Ташкилотлар учун-845.

Ислоҳот ва масъулият

Меҳнатнинг кўзин топган, бойликнинг ўзин топар

Мамлакатимизнинг энг жанубий сарҳади ҳисобланган Сурхон воҳасида иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш йўлида салмоқли улуш қўшаётган корхоналар талайгина. Хусусан, Денов шаҳрида фаолият юритаётган «Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамиятида кейинги йилларда анчагина ижобий силжишларга эришилди.

Ушбу корхона Сурхондарё вилоятида салмоқли ўринга эга. Зеро, кўп йиллардан бери вилоятда етиштирилган пахта чигити шу ерда қайта ишланади, яъни ўсимлик ёғи, кунжара, шелуха ва совун тайёрланади. Шу боис, дастурхон тўкинлиги ана шу корхонанинг қандай ишлаётганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Яқинда биз бу ерда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан танишиш мақсадида Деновда бўлдик. Ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари Худойшукур Бўронов ҳузурида бўлганимизда туманлардан келган жамоа хўжаликларининг вакиллари, фермерлар ҳамда оддий фуқаролар ўзларининг чорва молларига шелуха ва кунжара сўраб келишаётганини кўрдик. Раис муовини эса уларнинг талабларини иложи борича қондиришга ҳаракат қиларди.

Кейинги йилларда ушбу корхонада кўпгина эзгу ишлар бажарилди. Биринчи галда ишчиларга ғамхўрлик кучайтирилди, қулай иш шароитлар яратиб берилди. Эскириб қолган дастгоҳлар-у асбоб-ускуналар янгиланди. Цехлар қайта таъмирланди. Янги лабораториялар фойдаланишга топширилди.

Ўтган йили корхона раҳбариятида ўзгариш юз берди. Илгари Термиз пахта тозалаш заводига раҳбарлик қилиб келган Раҳмонқул Абдуллаев ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси этиб сайланди. Янги раис қисқа муддат ичида ўзининг меҳнатсеварлиги ва ишнинг кўзини билишини намоён этди. Талабчанлик билан иш юрита бошлади. Унинг тинимсиз изланишлари ва тиришқоқлиги туфайли корхона сезиларли ютуқларга эришди. Авваламбор бу ерда кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилди. Ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланди. Ўша йили қилинган меҳнат ўз самарасини берди. 22685 тонна пахта ёғи, 1333 тонна совун ва 506 тоннадан ортиқ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Асосий мақсадимиз мавжуд хомашёдан унумли фойдаланишдир, — деди жамият бошқаруви раиси Раҳмонқул Абдуллаев. — Агар ишлаб чиқарилаётган ёғ миқдорини 1 фоизга оширсак ҳам пировард натижа юқори бўлади. Бунинг учун иложи борича кунжара ва шротни кўпроқ тозалашимиз зарур. Асримизнинг сўнгги йили учун кўзлаб қўйган режаларимиз бор. Ушбу режаларга кўра 2000 йилда ҳиссадорлик жамиятимиз цехларини тўлиқ қайта таъмирлаймиз. Эндиликда хорижий шерикларни кўпроқ жалб этмоқчимиз. Америка

Меҳнатнинг кўзин топган, бойликнинг ўзин топар

Қўшма Штатларининг «Карвер» фирмаси билан шартнома туздик. Келгуси йилда ана шу фирманинг лиияларини ўрнатамиз. Бу линия 5 миллион 200 минг АҚШ долларига сотиб олинади. Натижада қайта ишланадиган чигит туксизлантирилади. Бу чигит тукига қўшилиб кетаётган ёғни ҳам сақлаб қолиш имкониятини беради. Ҳосил бўлган линтдан ҳам унумли фойдаланмоқчимиз. Яъни, линтни хориж мамлакатларига сотиб валюта ишлаб олиш ниятимиз бор.

Соҳамиз мутахассислари хабардорки, ёғни тозалаш учун албатта спирт ишлатилади. Биз қисқа муддатда корхонамизда спирт ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Ана шу цехни ишга тушириш учун икки ярим миллион АҚШ доллари сарфлардик. Маргарин ва майонез цехларини қуриб ишга туширишниятимиз ҳам бор.

Ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари бу йил ютуқларни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқдалар. Буни ўн ойлик натижалардан ҳам билса бўлади. Режадаги 1 миллиард 85 миллион 757 минг сўмлик ўрнига 1 миллиард 217 миллион 769 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу давр мобайнида 14 минг 19 тонна оҳорланган ёғ, 685 тонна «Ўзбекистон» ёғи, 39 минг 834 тонна кунжара, 33 минг 948 тонна шелуха, 1 минг 960 тонна соупасток, 1 минг 42 тонна совун ишлаб чиқарилди. Умуман олганда 97 минг 423 тонна чигит қайта ишланди.

Айтмоқчи, корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, бу ерда ишлар юришиб кетди. Аввалига номинал қиймати 1000 сўмдан 12000 сўмгача бўлган акциялар ишчи-хизматчиларга топширилган эди. Энди эса ушбу корхонада эркин акциянинг ўзи қолмади. Корхонанинг ҳар бир ишчиси ўзида бор акция мўмайгина даромад келтиришига шубҳа қилмай қўйди. Шу боис ҳам одамлар корхона мулкига ўз мулкидек қарамоқдалар. Уни кўз қорачиғидек асрашга, ютуқларни кўпайтиришга бел боғлаганлар. Албатта, бундан биринчи навбатда ўзлари баҳраманд бўлмоқдалар. Ҳозир корхонада чиқарилган ҳар бир акциянинг нархи 28-30 минг сўмга чиқиб кетганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Шуни қувонч билан таъкидлаб ўтиш лозимки, ўтган йили ҳар бир акцияга 8400 сўмдан дивиденд тўланди. Бу йилги натижалар ҳам қўнгилдагидек бўлишини ишчи-хизматчилар таъкидлашмоқда.

Авваллари корхонада фақат пахта ёғи тайёрлаш билан кифоя қилинар эди. Охирги йиллар ичида бу ерда совун тайёрлаш ҳам тобора меъёрига етказиляпти. Йилига 3000 тоннадан зиёд хўжалик совуни тайёрланаётгани фикримизнинг исботидир. Лекин совун танқислигидан фойдаланиб сифатсиз, давлат стандартларига мос келмайдиган совун ишлаб чиқарувчи цехлар ва кичик корхоналар кўпайиб қолди. Корхонадагилар эса буларга ўзига хос зарба бериш учун маҳсулот сифатини янада оширишга бел боғлашди. Бу борада ўзларида етишмай турган олтингугурт кислотаси ҳамда содани шу ернинг ўзида яратишга эришишди. Ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган совун ранги қорароқ бўлгани учун харидорларнинг дилини ҳира қилар эди. Эндиликда бунинг чорасини кўришга ҳаракат қилинди. Айни пайтда турдош корхоналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Урганчдаги ёғ ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти билан ўзаро шартнома имзоланди. Шунга мувофиқ урганчликлар корхонага совунни оқартириш учун пальма ёғи юборишмоқда. Яқин келажакда бу борадаги муаммолар ўз ечимини топади.

Яна бир гап. 1999 йил — Аёллар йили деб эълон қилингани муносабати билан жамоадаги хотин-қизлар алоҳида ғамхўрлик ила қуршаб олинган. Жамиятда фаолият кўрсатаётган 200 дан зиёд хотин-қизларга қулай шароитлар яратиб берилди. Шу йил турмушга чиқаётган қизларга энг кам иш ҳақининг 10 ойлик миқдорида ёрдам пули берилаётир. Ўғлини уйлантираётган аёлларга эса унинг ярми ҳисобида маош тўланмоқда.

Шу йилнинг кўкламида корхона маблағи ҳисобидан Денов шаҳри аҳолисига катта қулайлик яратилди. Яъни, ташландиқ ҳолатга келиб қолган стадион ўрнида ажойиб спорт мажмуаси қад кўтарди.

Атиги 2 ой мобайнида бунёд этилган спорт мажмуаси қурилишига 37 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ҳозирги кунда ушбу мажмуада кўплаб деновликлар спорт билан шуғулланмоқдалар. Замонавий теннис корти, баскетбол ва волейбол майдонлари кўплаб ёшларни чорламоқда.

Ҳиссадорлик жамиятида 12 турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқдаки, унинг ҳам бозори чаққон. Муаммоларга қарамай йилига 600-700 тонна ширинлик аҳолига етказиб берилмоқда. Болаларнинг севимли байрами Янги йил яқинлашмоқда. Ана шу тантаналарга атаб турли совғасаломлар тайёрланмоқда.

Яқин келажакда корхонада йилига 4 минг тонна ёғни 1 ярим литрли полиэтилен шишаларга қадоқлайдиган махсус линияни ишга тушириш режалаштирилган.

Хуллас, келажакка умидворлик билан қараётган «Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамият ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари иқтисодий ислоҳотларни дадил амалга оширмоқдалар.

Ўйлаймизки, уларнинг мўлжаллаб қўйган эзгу режалари ҳамиша амалга ошаверади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Суратларда: ҳиссадорлик жамияти цехларидаги меҳнат жараёнидан айрим лавҳалар



Ҳомийлар бирлашишди

Қибрай туманидаги 19-умумтаълим мактаби олдидаги йиғинни кўрган киши бу ерда қандай тадбир бўляптийкин, деб ҳайрон бўлиши мумкин эди. Сабаби, туман ҳокимлик вакиллари ва корхона раҳбарлари, яна бир неча мутасадди одамлар мактабни кўздан кечиришар, бир-бирларига юзланишиб узоқ суҳбатлашар эди. Маҳалла аҳли бундай йиғиннинг сабабини билгани мактабга яқинлашдилар.

— Бундан ўн кун олдин туманимиз ҳокими корхона раҳбарларини шу мактаб ҳудудига йиғиб, таъмирлаш ишларини тез кунларда бажариш кераклигини таъкидлаган эди, — дейди мактаб директори Равщангул Шукруллаева. — Ростини айтсам, кейинги йилларда мактабимиз таъмирга муҳтож бўлиб қолган эди. Айниқса, қиш кунлари хоналар совуқ, томдан чакки ўтарди. Туман ҳокими Мирзамашраб Куччиев мактабга келиб, мавжуд аҳвол билан танишди. Ва зарур чораларни белгилади. Бугунги йиғинимиз таъмирлаш ишларининг якунига бағишланган.

Дарҳақиқат, 543 нафар ўқувчи таълим оладиган мазкур даргоҳ эътиборсиз қолдирилиб, тегишли мутасадди раҳбар ва ташкилотлар томонидан етарли ёрдам кўрсатилмаган, бир неча йиллик дастгоҳлар эса эскирган, ўқув шароитлари оғирлашган эди. «Куч — бирликда» дейдилар. Корхона раҳбарларининг бирлашиши вазифани тез — ўн кун ичида бажарилишига олиб келди. Уларнинг бири тахта келтирса, бири ойна, яна бири цемент... хуллас ким нима топса келтираверди. Натижада ўқувчиларнинг қишда қийналмай дарс ўтишига шароит яратилди.

— Корхонамиз мактабни оталиққа олган, — дейди «Тошкентпарранда» ҳиссадорлик жамияти раиси Ўткир Раҳимбердиев. — Аммо иқтисодий қийинчиликлар туфайли, бир неча йил унга ёрдам беролмадик. Кейинги уч йил давомида 117 миллион сўмлик кредиторлик қарзлардан қутулиб, фойда эвазига ишлай бошладик. Иқтисодий ўсишга эришилди. Шулар ҳисобидан оталиғимиздаги бошқа муассасалар қатори ушбу мактабга ҳам ёрдам бера бошлаган эдик. Туман ҳокимининг бу ташаббуси эса ишимизнинг тез битишига сабаб бўлди.

Қувонарли ҳол, албатта. Эртанинг муваффақиятига бугун пойдевор қўйилади. Баркамол авлодни вояга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш вақти етган. Мана шуни ҳис қилган одамларгина ташаббусни қўлга олади, фидойилик қилади.

— Тумандаги мавжуд мактабларнинг барчаси оталиқ ташкилотларга бириктирилган, — суҳбатга қўшилади Янгиобод қишлоқ фуқаролари йиғини раиси Алишер Шомирзаев. — Айниқса 19-умумтаълим мактаби оталиқ ташкилотига эга бўлса ҳам, ҳудуддаги ташкилотларнинг ёрдам кўрсатиши ижобий самара берди. Кейинги 2-3 йил ичида туманда қишлоқ инфратузилмаси ривожланди, кичик технологияга асосланган саноат қишлоқ жойларга киритилди, чет эл сармояси асосида бир нечта қўшма корхоналар ташкил этилди. Улар бугун унум билан ишламоқда. Қишлоқ хўжалиги айниқса ғалла топшириш режаси йилдан-йилга ортиғи билан бажариляпти. Ижтимоий ҳимояга катта эътибор берилаётир. Буларга осонликча эришилаётгани йўқ. Аммо келажакка умид билан қараётган ўқувчи кўзидаги қувонч ҳамма қийинчиликлардан устундир.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз азизларни 1999 йил 10, 23 декабрь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар марказида бўлиб ўтадиган

Аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдоларга қуйидаги объект қўйилади:
Жиззах вилояти, Бахмал тумани «Ўсмат» посёлкасида жойлашган 9 сонли АЁҚШ.
Бошланғич нархи— 851,5 минг сўм.
Мазкур АЁҚШга қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хориждлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 10-уй.
Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75
Факс: 136-06-17

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан «Лэ-инг-Аларко — Марубени Лимитед» консорциуми номига 1999 йил 19 январда берилган 670-рақамли сертификат йўқолганлиги муносабати билан

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзавтойўл» автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик концерни Бошқаруви Тошкент вилояти автомобиль йўллари бирлашмаси «Тошкентавтойўл» раиси Бахром Ҳабибуллаевич Ўраловга отаси

Ҳабибулла ЎРАЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Алишер РЎЗИЕВ,
навбатчи
Юсуф ЖЎРАЕВ.

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 16.732 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0897

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.20
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА